

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 19 январь, чоршанба

№ 5

(11.190)

Эркин нархда сотилади

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

15 январь кунин иккинчи чакирик Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Республика вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари республикамизнинг ҳар бир вилоятида эришилган ютуқлар ҳам, йўл қўйилмаган камчиликлар ҳам, энг аввало, шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий кенгаш депутатларининг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, қатъиятчилиги ва мардлиги билан беэсосита боғлиқлигини қайд этди. Кейинги таҳлиллар вилоятда ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда. Ислам Каримов таъкидлаганидек, сўнгги йилларда вилоятда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш соҳаларида, ижтимоий инфрату-

чиқариш корхонаси раҳбари Анвар Мирзаев, Кўкон шаҳар "Масгона" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Аҳмад Алимов, Қирғули тумани ҳокими Виктор Белогонов, Олтиарик тумани "Нуробод" жамоа ҳўжалиги бўлим бошлиғи Лолаҳон Муродова, Ўзбекистон Каҳрамони, Тошқол тумани Х. Марозиқов номидаги жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи Қолмижон Мамажонов, Ўзбекистон халқ артисти Юдуз Усмонова, Ўзбекистон Каҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ва бошқалар иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Н. Муминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Алишер Отабоевни Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тавсиясига кўра Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Ҳамид Эргашев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди. Сессияда сўзга чиққан Қува тумани "Обидов" жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Омихон Исроилова, Марғилон шаҳар "Ешлик" савдо-ишлаб

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

Марказий сайлов комиссияси иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи мажлисининг тўғрисида қарор қабул қилди. Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 22 январь кунин эрталаб соат 10да Тошқент шаҳрида Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади. Ушбу қарорга мувофиқ, иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларини рўйхатга олиш ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг ва депутатлар блокларининг йиғилишларини ўтказиш 2000 йил 21 январь кунига белгиланди.




ЧЕТ ЭЛНИКИМИЗ? ЙЎҚ, "КИБО"НИКИ...

ЯҚИНДА зарурат билан Чирчиқ шаҳри бозорига бораётганимизда ғалати воқеани кўриб бўлдик. Кийим-кечақлар, пойабзаллар, турли-туман буюмлар расталари олдида икки нафар болақай ота-онасига ҳархаша қилар эди... "Сенга чет элники керакми?" дер эди ота. Болақайлар "Йўқ, "Кибо"никини топиб беринг", деб тижирлик қилишарди. Бу тортишувлардан қалбимизда қандайдир бир ишлик ҳисси уйғонди. Демак, узимизда шикли чиқарилаётган маҳсулотлар катта-кичик одамларга манзур бўлмоқда экан-да...

Худди шундай. Кейинги йилларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Чирчиқ шаҳрида ҳам қатор қўшма корхоналар бунёд этилди. Уларнинг сони 15дан ошиб кетди. "Чирком", "АББ-ЧТЗ", "Нейшн Сайкл", "Сайланд интернейшнли индустри", "Метал-ла" ва бошқалар қаторида Ўзбекистон-Олмонин билан ҳамкорликда ташкил этилган "Кибо" қўшма корхонаси алоҳида уртин тутайди. Президент сайлови арафасида Тошқент вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган маърузаларида Юртбо-

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ



ЯНГИЙЎЛ. Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси маҳаллий эшиттиришлар Бош бошқармаси Янгийўл радиоси таҳририяти ташаббуси билан Соғлом авлод йилгига бағишланган "Санъат гўнчалари" радио танлови бошланди. Ушбу танловда ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ҳаваскор қўшиқчи, ижодкор болалар иштирок этадилар. Танлов Наврўз байрами арафасида ниҳоятга етди. Фойдалари тақдирлаш учун ҳомиёлар томонидан қимматбахо совғалар ажратилди.

ЗАНГИОТА. 15-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида "Тарихингизни биласизми?" мавзусида билимдонлар ва зўқоллар беллашуви бўлиб ўтди. Болалар ўзлари яшаётган Зангиота ва Далигузар қишлоқларининг тарихи ҳусусида ўз билимларини синовдан ўтказдилар. Мусобақанинг "Аждодлар руҳини ёд этиб" деб номланган иккинчи қисми ўзига ҳос томошалар мусобақасига айлиниб кетди. Бунда болалар турли тарихий томошалардан сахналар ижро этидилар, ўзлари яратган лавҳалар бўйича кўринишлар намойиш этидилар. Тарих фани муаллимлари Х. Бойғунова ва У. Хотамовалар ташаббуси ва раҳбарлигида ўтказилган беллашувда 7-А, 8-А, 11-А синф ўқувчилари энг билимдон деб топилдилар.

ВИЛОЯТИМИЗ туманларида газлаштириш ишлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги Қарори ҳамда Президентимизнинг вилоятимизда сайловда учрашувларида қайд этган қўрсатмалари асосида олиб борилаётган. Бу борада ўтган йил оҳангаронликлар учун самарали бўлди. Туман бўйича 37 километрга газ қувурлари ётқизилди. Собир Раҳимов, Алишер Навоий номи, "Дўстлик" жамоа ҳўжаликлари "Ангрэн" ширкат ҳўжалигининг қатор қишлоқлари, шунингдек Ақча қўрғончасининг бир неча маҳаллаларига табиий газ етиб бори.

ВИЛОЯТИМИЗДА меҳр-муруват ўн кунлиги якунланган бўлса ҳам, Уртачирчиқ туманида хайрли ишлар давом этмоқда. Тумандаги кам таъминланган оилалар, болалар муассасаларига 220 минг сўмлик муруват қўрсатилди. 124-мактаб-интернат ўқувчиларига эса, турли қимматбахо совғалар улашилди. Рўза ойларида, ҳайит кунларида қўллаб ҳонадонлар ҳар хил саховатлардан баҳраманд бўлдилар. Худуддаги "Меҳржон" болалар профлакторийсида ночор оилалар болаларининг дам олишлари ташкил этилди.

ТОШКЕНТ туманидаги 11-урта мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу борада ортирилган бой тажрибалар вилоят мактабларида ҳам кенг омаллаштирилмоқда. Ушбу билим дарғонининг ўқув-моддий негизини янада мустаҳкамлаш мақсадида вилоят фан ва таълим ҳодимлари қасаба уюшмаси мактабга бир қатор спорт жиҳозларини ҳада этди. Совғалар орасида футбол ва волейбол тўплари, стол тенниси учун жиҳозлар, волейбол тўрлари ва шу каби бошқа спорт қуроллари бор.

КИБРАЙ тумани болалар боғчаларида ўтказилган тажриба-синов машғулотлари кичкинтойларни ўзбек миллий-чолғу асбоблари билан яқиндан таништириш имконини берди. Гап шундаки, Тошқент Давлат консерваторияси илмий-тажриба - намуна лабораторияси боғча ёшдаги болаларга мослаштирилган рўубоб, дора, танбур, ноғора, дугор намуналарини ясағчи қиришди. Кичкинтойларга бу соҳларда чалишни ўргатиш мумкинлиги Қўбрай тумани болалар боғчаларида синна кўрилди. Бундай таълимий тадбирлар вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилади.

ОҲАНГАРОН ўрмон ҳўжалиги йил якунилари бўйича Республика Давлат ўрмон ҳўжалиги қўмитаси тасарруф қилибди. Бунда ўрмон ҳўжалиги қўмитаси тасарруф қилибди. Бунда ўрмон ҳўжалиги қўмитаси тасарруф қилибди. Бунда ўрмон ҳўжалиги қўмитаси тасарруф қилибди.

КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК

Биз ким эдик-ку, ҳозир киммиз? Айримлар бу гапни эшитиб, энаси қотиб, ким бўлардимиз, оддий бир меҳнатқаш, пахтакорсиз-да, деб айтиши мумкин. Ҳақ гап. Ота болаларимиз касбини эъзозлаб давом эттириб келаямиз. Лекин, шўролар давридаги ишларимизни, бизга бўлган муносабатларини эсласан баъзида юрагим орқага тортиб кетади. Деҳқон сифатида ўз билигимизча, ақл-заковати оид юшур-тадбирларини ўзимизча амалга оширолмадик. Юқоридан келиб буйруқ беришарди, уни қил, бунни қил, деб ҳўли-жонимизга қўйишмасди.

САИДАҲМАД САИДҲЎЖАЕВ, Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номи жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи.

МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИДАН БАҲРАМАНДИМ

Олис сафарга чиққан одамга доим: "Сира ҳам ортинга қарама", деб тайинлашар экан. Балки фақат олдинга қараб йўл тановини тортиш, йўловчиларга ҳосир. Лекин улў воқеалар рўй берган шундоқ паллада, ортга бир назар солиш жоиздир, деб ўйланам.

Истиқлолимизнинг илк кўнларида қандай олижаноб тадбирлар амалга ошганлигини эслайсизми? Ҳаммамизга "Феодал-клерикал адабиёт вакили", "жамият учун ёт" бўлган Аҳмад Яссавийнинг 900 йиллиги нишонланганини, Баҳо-вуддин Нахшбанднинг 675. Шайх Нажмидин Кубронинг 850, Амир Темур шўхбикронинг 660, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тўйлари ўлказилганини хотирлайлик. Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги қалбимизга қанчалар фараҳ солди. Узоққа бориб нима қиламан: ўтган йили Жалолиддин Манғубердининг 800 йиллиги, "Алломиси" достонининг 1000 йиллиги тантана қилинди. Бу тадбирлар ўзбекининг номини ҳажонга янада кенгрок ёйди.

ҚАЛБИМДА ФИДОЙЛИК БОР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жуда кўп юмушлар амалга оширишдики, иқтисодиётимизда, иккинчи ҳавтамизда бунга яққол кўриб турибмиз. Биз — ешларга бўлган эътибор ва беэҳс қамқўлиқ шу юмушлар жумласидандир. Айниқса, қозлаб тенгдошларимизнинг ҳўрқий мамлакатларда тахсил олаётганлигини тилга олишимиз ўзи кифоя.

Президентимиз ташаббуси билан дунёга келган ёш истеодолларни қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси бизнинг энг яқин кўмақдошимизга айланди. Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилганлигини, янги-янгини тизимининг вуқудга келтирилганлигини таъкидлаш чинкам маънавият ва маърифий инкилобдир.

2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилишга ешларга бўлган чўр эътиборнинг, пок ва қўлте ни-ятларнинг узвий давомидир.

Мамлакатимиздаги барқарор тинчликнинг, ҳавфсизликнинг ишончли қамолати — Президентимиз деб биланам. Яқиндагина содир бўлган Янгийўлдоқ воқеаларини эслайлик. Шундоққина енгичамизда отишларлар бўлаётган, бир ҳўрву газандарлар тинчликимизга ҳавф солаётган бир пайта, биз талабалар бир лаҳза ўрнини тўтатганимиз йўқ. Чўки ишончимиз қомил эди: бизнинг тинчликимизни қўриқлаётган муқаддас Ватанимиз бор. Президентимиз бор! Шундай лаҳзаларда тоқдай таянчинг, бошининг, оспайдиган меҳрибон кўл борлигини сезиб турш юракларга қанчалар нури, ҳўрорат бахш этади, дилингни, фидойилик тўйларига тўлдирди.

Дилдора МУСТАЕВА, Тошқент юридик институти 2-курс талабаси.

Вилоят ҳокимлигида

ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ...

Нотиқ 1999 йилнинг кузида бошлаб Италия, Франция, Германия ва Европа китъасининг бошқа мамлакатларида гриппнинг ҳавфи тури — "Сидней" вируси ҳўрж қилаётганини эшитдик. Касалликка асосан кексалар, болалар кўпроқ чалинмоқдалар. Ҳозирги пайтада вилоят ҳудудида гриппнинг ҳар йили учраб турадиган "А" ҳамда "В" 1" тури кўним топмоқда. Ҳароратнинг кўтарилиши, бадан увишиши, нафас йўллари шикастлангани грипп тарқалиши, у ердан эса Марказий Осиё республикаларига "кўчиши" ҳам эҳтимолдан ҳоли амас. Тиббий таҳлилларга кўра, вилоятда нафас йўллари ўткир юқумли касалликлари кўрсат-

миёсидан сақлаб қолишга қаратилмоғи керак, дея қайд қилинди. Ифғилишда вилоят халқ таълимининг бошқармаси бошлиғининг муовини Анвар Зокиров, вилоят касб-ҳўнар таълимининг бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев, вилоят "Дори-дармон" давлат акциядорлик бирлашмаси раиси Шўҳрат Пулатов, "Тошйилўвчигранс" концерни раисининг муовини Маҳсуд Толипов ва бошқалар нафас йўллари ўткир юқумли касалликлари ҳамда грипп эпидемиясининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳусусида ахборот бердилар.

Комиссия йиғилишида грипп эпидемиясига қарши кураш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Комиссия йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, марказий шифохоналар, СЭСлар шифокорлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари фаолиятида ҳамон бепарволик кайфияти ҳукм сурмоқда. Комиссия йиғилишида шифокорлар, маҳалла қўмиталари раислари, мактаб ўқитувчилари аҳоли орасида гриппнинг ҳавфи тўғрисида сўхбатлар ўтказишга жалб этилиши кераклиги, мактабларда ва бошқа ўқув юртларида бу борада ўқувчиларга диққатлар эъдириш яхши самаралар бериши таъкидланди. Шаҳар ва туманлардаги бутун саёй-ҳаракатлар аҳолини нафас йўллари ўткир юқумли касалликлари ҳамда грипп эпидемиясининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳусусида ахборот бердилар. Комиссия йиғилишида грипп эпидемиясига қарши кураш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Комиссия йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.





Ибратнома

ДОЙМО ФОЛИБ ЭДИЛАР

Қари кампирнинг ҳаёти бирмунча оғир кечар эди. Чунки унинг на яқинлари, на болалари — ҳеч кимми йўқ эди. Бунинг устига қўзи ҳам ожиз эди. Бундай ноҳор кампирнинг ҳолидан хабар тогган ҳазрат Умар зудлик билан унинг ёнига келиб:

ҳизматини ҳам бирон кимсага билдирмайдими. Ҳўми? Кампир хурсандлик билан бунга рози бўлди. Она-болодек ҳаёт кечира бошлади. Қўнлар ўтди. Ҳазрат Умар олихмимат ишларида давом этверди. Қўнларнинг бирида кампирнинг холидан хабар олай деб кирсалар, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар. Уй сулуриланг, атроф чинидек топ-тоза. Кампирнинг олдида таом ҳам қўйилган.

Шеърят

АДОЛАТ

Чакмоқнинг зарбидан тоғлар йиғласа, Шамолнинг қаҳридан боғлар йиғласа, Айриқдан қушлар, зоғлар йиғласа, Фалакнинг иши бу, фалакнинг иши.

ОНА

Ёрим деб қўлингдан олганда гулинг, Ой мисол солганиб шилатса пулинг. Севсини пеш қилса кечало кундуз, Ул қаро кунингда қон этса дилинг, Дардинга дармонлар бўлагучи онам!

ҲАҲДАЛАР

дан илтимос қилди: — Утиниб сурайман, битта қўшимча савол беринг. — Иккита асосий саволга жавоб бера олмадингиз, шунинг учун иккита қўшимча савол бераман. — Домлаҳон, унда шўрим қуриб қолди-ку. — Тилингизга шаклар! Денгизини ҳам, Ерни ҳам, инсонни ҳам шўри қуриганига не етсин!

Турмуш чорраҳаларида

ГИРДОБ

Муҳаббат — ноёб ва ажиб ҳилқат. Аллоҳ уни ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. "Ишқ бошқа, ҳавас бошқа", деган нақл беҳиз айтилган. Неча-неча соҳададиллар шу боис, кўпчиқа адашиб, сохта севги қурбонига айланадилар.

Табиатан вазим, босиқ Илҳомжон Меҳрининг жозибасига мафтун бўлди. Лекин, бу ҳақда гап бошлашга ботинолмади. Бир куни Меҳри унинг ҳонаси эшигини қочиб, ёнидаги хонадагиларни суриштирди. Йигит бугун уларни қурмаганини айтиди-ю, шобон уни тўхтади: "Синглим, тўхтанг, бирон гапингиз бўлса, мен уларга етказиб қўяман. Киз хонага қайтган, Илҳомжон "ерилди".

Айнан ўзида ҳам шу ҳол руй бераётганини билган Меҳри бу гапда эътибор қилди. У ҳисларини қарисинчо, муҳаббатнинг кечи бўлмайдими" дейишгани шунинки? Бошмакта тушган ишқ савдоси Аллоҳнинг иноятимиккин ёки пешонамга ёзилган синовининг навбатдагисимиккин?"

Меҳри севги изтиробларию, қувончларини урқоқлашиб юрган сирдош дугонаси Умида бир куни ноҳақон Илҳомжонни қўриб, уни ёқтириб қолди. У ҳисларини Меҳридан яширмади. Сурбетларча "Ун илдан бери учрашиб юрган йигитимни ҳам қўригим келмапти. Илҳомжондан кўнгул узолмай қолдим", деб ҳасаду-ҳавас дастронини очди. Қўнгул тубида порлаган рашк алангасидан Меҳри тинчмини йўқотди. Вужуди аламдан эзилди, бир тугам кулга айланди. Ҳаёлида севгилис Умида билан қатрадаир бир-бирларига меҳр билан тикилиб тургандай туюларди. Илҳомжон ўзини тортиб юргани боис Ғамонлари ортаверди.

"Менга азоб беринг, нияти бор экан, нега, нима учун мени тўзотганини айтиб беринг!" — аламдаги ўртаниб йўларди Меҳри. — Бу дунё "қайтар дунё" деганлари рост шекилди. Узим ҳам бир ҳарбий йигитнинг қўнгулини ўғирлаб, аро йўлда қолдириб кетгандим. Энди Илҳомжон мени ўзимга ром қилиб, севгимни жавобсиз қолдирапти. Қалбим севги сўқмоқларига адашиб қириб қолди. Орқага йўл йўқ. Азобларимни адоги ҳам, севгим изтиробларининг давоси ҳам йўқ. Мен учун ҳаётда яшашдан маъно қолмади энди".

Аламли хаёллар гирдобиде Меҳри Илҳомжонга қўнги-роқ қилди. — Илҳомжон ака, юрагимдаги ўзингизга аён. Сизсиз кундузим ҳам қоронку. Лекин... Сизга бахт тилашдан бошқа илоҳим йўқ. Бугун охирига маротаба учрашишимизни сиздан илтижо қиламан. Юрагимдаги дардларимни сўнгги бор сизга тўқай, имкон беринг. Учрашувга Меҳри оғу билан келди. Ҳаяжондан титраб: "Илҳомжон ака, охириги илтимосим, қабримни зиёрат қилинг. Ҳеч бўлмаса руҳим у дунёда таскин топинг", — деди. Илҳомжон ортадан: "Меҳри!", деб ҳайқирганига ҳам қарамай, тезлашиб, нари кетди.

Эртасига Меҳрининг касалхонада — реанимация бўлимида ётганидан хабар тогган Илҳомжон дарҳол у ерга етиб борди. ... Лекин, афсуски, ... кеч бўлганди. Шифоқорлар Меҳрининг вужудини у ичиб юрган оғудан тозалай олмадилар. Эрта тонгдан кун бўйи эзилиб ётган оппоқ қор гўё "Алвидо, муҳаббат, алвидо пок севги боғида очилмай туриб, сўлган гул!" деяётгандек бўлар, ундан кейинги кунлар бошланган изғирин эса, одамлар юзларига чингилаб: "Узингизни севган, сизни ардоқлаган одамлар тақдирига бефарқ бўлманг", — деб ҳушёрликка даъват этаётгандек туюларди...

Маҳфуза НИШОНОВА.

КЕЙИНГИ пайтларда барча газета ва журналларнинг сўнгги саҳифаларида "Юлдузлар сўзлайди", "Мунажжим баҳорати" каби руқналар остидаги мунажжимларнинг баҳоратлари, астрологик буржлар жадаллари ҳафталиги ва шунга ўхшаш гумонли нарсалар эълон қилинмоқда. Уш тақдирини билишни истаган инсонлар неча асрлардан бери, онгли равишда ва ўз хоҳишлари билан бу баҳоратларга қулоқ осиб, ишониб келишадди.

Мунажжимлар тузган "Юлдузлар баҳорати"га кўр-кўрона ишониб, унга амал қилувчилар, ҳаммага таниш 12 та буржлар юлдуз туркумлари ҳақида фикр юритганда ер юзиде ҳозирги кунда тахминан 4 миллиарддан ортиқроқ эркак ва аёл яшашини бир кўз олдидан келтирсинлар. Бу одамларнинг ҳар бири ўз фелъ-атвории, саломатлиги, одади, руҳиятига ва коларесига. Ҳозирги алоҳида кичик дунёсига эгадир. Шундай экан, ҳамма учун бир қилиб: "Бу ҳафта иш устидеги алоқаларингизга тузуқроқ эътибор беринг. Душманларингиздан эҳтиёт бўлинг. Бировга ёмонлик қилсангиз — қаттиқ қароликка учрашингиз мумкин" каби тавсиялар қилгиле-ку?

Ваҳолонки, нафақат иш устидеги, балки, барча учрашувларга ҳам эътибор беришимиз, жиддий қарошимиз шарт эмасми? Бировга қаттиқ гапирсак, астрологларнинг баҳоратисиз ҳам қароликка учрашимизни билмазми-ку. Душман эса, ўз табиати билан ҳамма қилиш ва бировга тош отиш учун яралган, шунинг учун ҳам у "душман".

Астрология ҳақида гапирувчи нотикларнинг Павел Глобадан тортиб то метро эшигининг олдиде, беш-ўнта лақманнинг қулоғига "мих" қоқаятган жайдаги мунажжимларга барчаси одамларга барча юлдуз туркумларининг осмон гўмбазида жойлашуви инсоннинг тахайюли (фантазияси) орқали яратилган деишини ўзларига эф билмайдилар. Қоп-қора осмонда сочилиб ётган миллиарддан ошқ юлдузлар, худди гилам устига қадалгандек эмас, балки бир-бирларидан жуда узоқ масофада жойлашган бўлиб, бир текисликда

туркумларида ҳам худди шундай ҳолатни кўраимиз. Шундай қилиб, мунажжимлар сунган бирлик — яъни юлдузлар туркуми, аниқроғи — юлдузлар туркумини ташкил қилган буржининг ўзи йўқ, сароб экан. Чунки, аслида юлдузлар туркуми эклиптика йўли бўйлаб (осмонда қушнинг босиб ўтган йўли) тенгмас масофада жойлашган. Мунажжимлар эса, жуда қадим замонларданок бўлиб, йўлни 30 даражаданок бўлиб,



НУҚТАИ НАЗАР

НОСТРАДАМУС ЮЛДУЗЛАР ИМНИНИ БИЛГАНМИ?

бу бўлақларга юлдузлар туркумининг номига ўхшаш ном ва нишон билан белгиландилар. Шундан мунажжимларнинг 12та буржи ҳосил бўлган. Аслида эса, қуёш, масофанинг узунлигига қараб, юлдузлар туркуми орасидеги масофани турли вақтда босиб ўтади.

Table with 3 columns: Burj belgisi, Yulduz turkumi, Astrologlar kabul qilgan vaqt.

тутмасдан баҳорат қилишмоқда. Бунда, биз прещесия деб аталмиш тенг қулик пайтида қуёшнинг эклиптика бўйлаб, бу йилда 50 секундга сурилиш ҳолатини назарда тутмоқдамиз. Бу астроломик тенг қуликнинг табиати жуда оддий. Бунда ернинг фарз қилинган ўқи унинг айлананинг натижасида гирдобга ўхшаш хаёлий бир қомат шаклини барпо этади. Бу ўқнинг учи осмонда шундай айланма ҳосил қиладики, уни ер 26 минг йилда айлиниб ўтади. Бунинг натижасида баҳоринг тенг қуликнинг нуқтаси ҳозирги жадал бўйича 22 марта бурж доираси бўйлаб ҳаракат қилиб, бирин-кетин бир юлдуз туркумидан иккинчисига галма-гал ўта боради.

Мунажжимларнинг иш услуби ва тажрибалари минг йиллар ичиде ўзгармай қолди. Инквизиция ўтида ёнқирилган Двордано Бруно ёки хокисор қилиниб хурланган Галилей ёқлаб чиққан — жаҳон маркази қуёш деб тушуниш эмас, балки, Птолемей таълими бўйича Оламининг маркази ер деб тушунилар эди.

Юлдуз буржи билан астрологик баҳорат қилинишини истаган шўх уртасидеги боғлаш ҳам ўта содда қилинишда бўлиб, баҳорат қилиш жараёни ўхшатишлик принципада баҳоратилади. Масалан, одам Асад (Арслон) буржиде тутилган бўлса, унинг фелъ-атвори ҳам ҳайвонлар султонининг фелъига таққослаб ифодаланеди. Бу ҳақда XVIII аср Эронидеги мунажжимларнинг баҳоратига бўлган муносабати Ҳалолдидан Румий қўйидагича тасвирлаган: "Қазвини шахрининг бир фуқароси

карийб юзта экспонатдан иборат кўргазма тайёрланди. Узебек аёлларининг оилада, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳамда мактебига бағишланган мазкур кўргазмани Халқаро хотин-қизлар кўни байрами арафасида Тошкентда, сўнгра Муस्ताқил Давлатлар Ҳаммуқталиги ва Европа мамлакатларида намойиш этиш мўлжалланмоқда.

Б. МАНСУРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Германиялик этнограф олим ва ёзувчи Габриэла Келлер хоним Аёллар йилида юртимизда бўлиб, Самарқанд вилоятига иждоий экспедиция уюштирган эди. У сафарига чоғиде узебек аёллари маданиятига бағишланган кўргазма ташкил этишга қарор қилди. Натижада хотин-қизларнинг ранг-баранг маданий ҳаёти ўз инфодасини тоғган бир юз элликдан ортиқ рангли сурат, Узебекистон амалий санъатига доир

ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Чет эл оммавий ахборот воситалари хоржий мамлакатларда нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликларга ва гриппга чалиниши кенг тарқалганлиги тўғрисида ташвишли хабарлар тарқатмоқда. Грипп эпидемиясининг тез йилувчанлиги ва республикамиз ҳудудиде ҳам тарқалиши эҳтимоли борлиги муносабати билан Тошкентда "Экосан" халқаро жамғармаси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлиқда "Грипп касаллигининг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни" мавзуида тадбир ўтказди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот, таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, журналистлар иштирок этди. Анжуманда нафас йўлларининг ўткир юқумли касаллиқлари ва грипп эпидемиясининг тарқалиши олдини олиш, касалликка чалинганларни тиббий ва халқ табиоти йўли билан даволаш ҳамда жамоат жойлари — боғча, мактаб, бозор, бекат ва шаҳар транспортидеги гриппдан сақлаш чора-тадбирлари тўғрисида сўз борди.



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 20-23 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Фақат шу даврининг охирига бориб ёнғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Жанубдан Шарққа томон эsgан шамолнинг таълиги ҳар сонияда 7-12 метрни ташкил этади. Ҳарорат кечалари 1 даража совуқ, 4 даража иллик, кундуз кунлари эса, 5-10 даража атропофида иллик бўлади.

Беқобод педагогика билли юрти томонидан 1980 йилда Қуравлова Сайёра Хошимовна номига берилган Я-1 № 287111 рақамли дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



ЎЙНАНГ, ЯШНАНГ, ҚИЗАЛОҚЛАР!

Тасаввур қилинг: набираниз ёки ширинтой қизалогиниз шўх муслиқа садолари остида рақсга тушапти. Унинг кўзларига, севинч барқ уриб турган юзларига қарайсизу дилингизни эзгу ҳислар қўлгаиди. Ҳаётимиз фарзандларимизнинг бахтли, саодатли, шундай беғубор яшашни учун берилган эмасми?! Уларнинг ташвиш нималигини билмай, ота-онанинг, бобо-бувайсининг меҳрибонлигини туйиб қувнашини учун эмасми?! Ҳа, шундай! Ҳар биримизнинг тилимиздан "Ўйнанг, яшанг, ташвиш нималигини билманг, қизалоқлар!" деган тилак тушмасин.

Дилшод АХМЕДОВ олган сурат-лавҳа.

TOSHKENT HAQIQATI Muassis: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ Манъилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Шаълофлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48, Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реқлама ва эълон берувчилар масъулдир.